# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаётИ

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 10-SENTABR, SESHANBA, 109 (8190)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 8 сентябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 9 сентябрь куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга илк давлат ташрифига икки томонлама муносабатлардаги тарихий воқеа, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг яна бир кўриниши сифатида қаралишини таъкидлади.

Си Цзиньпин икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига юксак баҳо берди, Хитой ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатлари ва умумий тараққиётга хизмат қиладиган бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши ташрифнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Умуман, ташриф якунида 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 45 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда икки мамлакат манфаатларига оид энг муҳим масалаларда бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШҲТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини тобора кенгайтириб келмоқда.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иккала мамлакатнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин эканлиги таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Хитой Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучлар ўртасида муросага эришиш бу борадаги ягона тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон Хитой билан муносабатларни барча соҳаларда ривожлантириш, айниқса, энергетика, транспорт, савдо, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст, яқин қўшни ва стратегик ҳамкор сифатида қарашини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил мобайнида икки томонлама алоқалар изчил суръатда ривожланиб келаётир. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан натижаларга эришилди, бир қатор йирик қўшма инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

ХХР Раиси Хитой олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлар даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этмоқда. 2004-2013 йилларда Ўзбекистон ва Хитой ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 10 маротаба сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

2011 йилнинг октябрь ойида Пекинда Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Қўмита доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича олти қуйи қўмитанинг йиғилишлари ўтказилди.

Фаол алоқалар, жумладан, БМТ, ШҲТ доирасида долзарб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пекин Ўрта Осиёда экологик мувозанатни бузиши мумкин бўлган гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмасликка оид позициясини тасдиқлади, минтақадаги трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Хитойни ҳудудий яхлитлик, "уч ёвуз куч" – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида доим қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг устувор мақсадли вазифалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид истиқболли масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хитой билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенгликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратади.

Ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, кейинги беш йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошди. 2007 йилда бу кўрсаткич 904 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3,4 миллиардга етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоиз кўп демакдир.

Сармоявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган нохомашё ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Бугун томонлар турли лойиҳалар, авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 455 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 71 компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

2002 йилдан бошлаб Хитой инвестициялари ва кредитлари иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард доллар бўлган 83 инвестиция лойиҳаси, шу жумладан, 5,75 миллиард доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган 52 лойиҳа, 992,4 миллион долларлик имтиёзли кредитлар йўналтирилган 31 лойиҳа амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

# АМАЛИЁТДА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН БИЛИМ



**Ўзбекистон Миллий университетининг Ботаника ўқув-илмий тажриба майдони талабаларнинг илмни амалиёт билан уйғунлаштиришида муҳим аҳамият касб этмоқда**

*СУРАТДА: Университетнинг Биология-тупроқшунослик факультети декани, биология фанлари номзоди, доцент Отаназар Раҳимов шогирдлари билан манзарали дарахт баргларининг морфологик тузилишини кўздан кечирмоқда.*

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ботаника ўқув-илмий тажриба майдонига кириб борар эканмиз, анвойи гулларнинг ифори димоғимизга урилади. Меваларининг кўплигидан шохини кўтаролмай қолган шафтолию олма дарахтларига ҳавасингиз келади. Боғнинг ажойиб табиати, гўзал манзараси кишини мафтун этади. Беихтиёр хаёлингиздан университетнинг шундай тажриба хўжалиги бор экану билмаган эканмизда, деган фикр ўтади.**

Бу илк таассурот. Агарда тажриба хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишсангиз, ҳайратингиз янада ошиши, табиий. Зеро, бу ерда илмни амалиётга пайваста этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир. Ёшларнинг билими амалиётда мустаҳкамланмоқда. Сал кам 6 гектар майдонни эгаллаган ушбу хўжаликда интенсив боғ, иссиқхона, гуллар кўчатхонаси, қуёш батареясигача бор. Бу ерда талабалар турли хил сабзавотлар, кўкатлар етиштириб, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Биология-тупроқшунослик факультетининг иқтидорли талабалари томонидан доривор, манзарали ва бошқа ўсимликларнинг биологик ва экологик хусусиятлари, фасллардаги ўзгаришлар ўрганилмоқда. Биология фанлари доктори, профессор Лазиза Ғафурова ҳамда қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Тўхтасин Абдураҳмоновлар раҳбарлигида ёш тадқиқотчилар "Унирверсал" биоўғитини турли ўсимликларда синовдан ўтказишмоқда.

– Ўғит университет Агроэкобиотехнологиялар илмий марказининг ёш тадқиқотчилари томонидан яратилди, – дейди Тўхтасин Абдураҳмонов. – Аҳамияти шундаки, у қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда самарали. Яъни ўғит ишлаб чиқаришда чувалчанглардан кенг фойдаланилганлиги боис, тупроқ унумдорлиги ошиб, ғоваклиги таъминланади. Намлик ва иссиқлик миқдори тупроқда бир меъёрда бўлади. Жорий йилда VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида маҳаллий чувалчанглар комплекси билан иштирок этиб, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятларидаги 20 дан ортиқ фермер хўжаликлари билан шартнома қилдик.

– Кафедрамиз томонидан олиб борилаётган "Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар" давлат грантини асосан университетнинг ботаника боғида амалга оширяпмиз, – дейди биология-тупроқшунослик факультети "Ботаника, ўсимликлар физиологияси ва экология" кафедраси мудири Акром Йўлдошев. – Бунда қобилиятли, илмга чанқоқ, изланувчан ёшлар ҳам иштирок этиб, яхши натижаларга эришилмоқда. Ўтган йили факультетимиз магистранти Алишер Сафаров биринчи маротаба анорнинг данаксиз навини юртимиз шароитида етиштириш, уни кўпайтириш чораларини ўрганиб чиқди. Қувонарлиси, у бу янгилиги билан 2012 йили "Ёш олимлар" инновацион лойиҳалар танлови ғолибига айланди.

– Ботаника боғида 120 дона данаксиз анор қаламчаларини 10 га яқин бошқа маҳаллий анор навлари билан қиёслаб ўрганяпман, – дейди Биология-тупроқшунослик факультети 2-босқич магистранти Алишер Сафаров.

(Давоми 2-саҳифада)

# ЕРДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

## БУГУНГИ КУНДА ҲАР ҚАЧОНГИДАН КЎРА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

**Пойтахтимизда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси вакиллари иштирокида ерлардан мақсадли, самарали фойдаланиш масалалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан ер қонунчилигига риоя қилиниши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар оммавий ахборот воситалари вакилларига мамлакатимизда ер қонунчилигига риоя этиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Қайд этилишича, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ўтказилган мониторинг натижалари 2 032 та ҳолатда 38 845 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини пасайтириш, ажратилган ерлардан хўжасизларча ва самарасиз, шунингдек, мўлжалланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ноқонуний қарорлар асосида ер майдонларини эгаллаб олиш каби қонунбузарликлар содир этилганини кўрсатмоқда. Шу боис, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан 1 813 та ҳолатда ер қонунчилигига хилоф хатти-ҳаракатларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, ташкилотлар, корхоналар ва фермер хўжаликлари раҳбарларига тегишли тартибда тақдимнома ва кўрсатмалар юборилди.

Шунингдек, ўтган ярим йил мобайнида 1 961 та ердан фойдаланувчига ажратилган 114652,1 гектар ер майдонидан мақсадли ва самарали фойдаланилмаганлик учун амалдаги қонунларга асосан ер туманлар ҳокимлилари захира ер фондларига қайтариб олиниб, тегишли тартибда бошқа ердан фойдаланувчиларга бериш чоралари кўрилди.

Таъкидлаш жоизки, қўмита ва унинг қуйи тизимлари томонидан ерлардан самарали, мақсадли фойдаланишни ташкил қилиш ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчи ва ижарачиларнинг ер қонунчилигига риоя этишларини таъминлаш, шунингдек, ер қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш мақсадида кўп маротаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилингани ҳамда жойларда кўргазмали семинарлар ташкил этилгани эътиборга молик. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида қўмита вакиллари 11 538 та хўжалик юритувчи субъект билан бевосита жойларга чиқиб, уларнинг ердан оқилона ва самарали фойдаланишлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб бордилар. Бу борада 287 маротаба семинар ўтказилиб, 20 турдаги 2466 та қўлланма ва буклет тарқатилди. Бундан ташқари, республикамиз бўйича ўтган олти ой давомида 836 маротаба очиқ эшиклар куни ташкил этилиб, уларда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан қатнашган. Натижада соҳага тааллуқли барча саволларга белгиланган тартибда жавоблар қайтарилган.

**Сайдодил САЙДИСЛОМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# КЎРКАМ УЙЛАР — ОБОД ТУРМУШ ЗИЙНАТИ

**Қишлоқларимизда бунёд этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, мактаб ва коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, замонавий гузар ва болалар спорт майдончалари ҳамюртларимиз қалбларини шодлантириб, қишлоқларимиз жамолига ўзгача чирой қўшмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори намунали лойиҳалар асосида уй-жой қуриш, ҳудудларнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни бунёд этишда муҳим дастуриламал вазифасини бажараётир.**



ЎзА сурати.

Бу йил Сирдарё вилоятининг 8 та туманидаги массивларда 320 та замонавий уй-жой қурилиши жадал суръатда давом эттирилмоқда. Эътиборли жиҳати, қурилиши тугалланаётган янги массивларда умумтаълим мактаби, қишлоқ врачлик пункти, болалар ўйингоҳи, алоҳида гузар, ижтимоий инфратузилма объектлари ҳам барпо этилаётгани қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириб, шаҳарлардан қолишмайдиган гўзал гўшаларга айлантирмоқда. Масалан, Мирзаобод тумани Ҳайдар массивида бошланғич таълим мактаби, қишлоқ врачлик пункти, 2 та спорт майдончаси, маиший хизмат шохобчаси, гузаргача бор. Айни вақтда бу ерда «Оқолтиндонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти томонидан нон ва макарон ишлаб чиқариш цехини қуриш ишлари ҳам жадал суръатда давом эттирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)




Андижон Вилояти

## «ТУГМАЧА»ДАН ТУРФА ШИРИНЛИКЛАР

**Шаҳрихон туманининг Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Тугмача" хусусий корхонасига хориждан замонавий технология келтирилиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Мазкур лойиҳанинг рўёбга чиқишида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бўлимидан олинган кредит қўл келди.

— Илгари фақатгина қолипли нон тайёрлар эдик, — дейди корхона раҳбари Амирбек Шамсутдинов. — Эндиликда маҳсулот тури 9 тага етди. Маҳсулотларимиз ички бозорда харидоргир.

Янги йўналишнинг ишга туширилиши ҳисобига 5 та иш ўрни вужудга келди.

## ОЛДИН ПОЙАБЗАЛ, ЭНДИ ПОЛИЭТИЛЕН ҚОПЛАР ҲАМ

**Шаҳрихон тумани марказидаги пойабзал тайёрлашга ихтисослашган "Эделвейс" корхонасида энди полиэтилен қоплар ҳам ишлаб чиқарилади.**

Йилига 1 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехда айни пайтда монтаж жараёни якунига етиб қолди. Корхона ишга тушгач, 15 нафар киши доимий иш жойига эга бўлади.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:
# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ҳужжатлар имзоланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ушбу ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон 2011 йилда ХХР раҳбарияти томонидан илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Жорий йилнинг март ойида ушбу парк "Жиззах" махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Мазкур паркнинг Сирдарё вилоятида филиали бўлади. Июнь ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобиль телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу ташриф давомида Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш орқали мазкур парк ҳудудида юқори технологияларга асосланган қўшма корхоналарни очиш бўйича 14 келишувга эришилди.

Бир қатор Хитой компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Иккала мамлакат Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи Ўзбекистон – Хитой газ қувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа деб билади. Ташриф давомида имзоланган Ўзбекистон – Хитой газ қувурини қуриш ва ишга тушириш тамойиллари тўғрисидаги битимга қўшимча протокол йилига 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга тўртинчи линия қурилишини назарда тутади.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. Ангрен-Поп йўналиши бўйича темир йўл қурилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлади. Бу йўл Хитойнинг Жанубий Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқиши учун имкониятларини яратади. Жорий йилнинг июнь ойида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган Ангрен-Поп темир йўл линиясини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, хусусан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан ошади. Улар мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларига йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2011, 2012 йилларда Пекинга ташрифлари доирасида эришилган келишувларга мувофиқ, ХХРнинг имтиёзли кредитлари асосида мамлакатимиз кимё саноати, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қарийб 400,6 миллион доллар миқдоридаги 7 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Хитой раҳбарининг мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида 11,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш бўйича битим имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган 6-жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрачи Камолиддин Беҳзод ҳайкали очилди. Бу ўзбек маданияти намояндасига Хитойда ўрнатилган илк ҳайкалдир.

Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда "Ўзбекистон – Хитой" ва "Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Хитой Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги дастур маданият соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. 2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. Жорий йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида «Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари» бадиий кўргазмалари ташкил этилди.

Умуман, 2012-2013 йилларда Хитойда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва санъатига бағишланган йигирмадан ортиқ тадбир ўтказилди. Икки мамлакат маданият ва санъат намояндаларининг қатор ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, хитойлик санъаткорлар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали, "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Таълим соҳасида давлатлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтда ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШҲТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида ўзбекистонлик етмишга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Ташриф доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига Хитой фуқароларининг гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market-2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF – 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари бугун томонлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ва муҳокамалар ўзаро тушуниш, ишчанлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Уларнинг натижалари муҳокама қилинган масалаларнинг аксарияти бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш ва яқинлигини намоён этди. Икки давлат раҳбарлари эришилган келишувлар Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу ташриф Ўзбекистон-Хитой муносабатларида яна бир муҳим босқич бўлгани қайд этилди. Томонлар изчил ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни юксак қадрлайди. Музокаралар замонавий тараққиётнинг бир қатор долзарб йўналишлари бўйича, жумладан, «уч ёвуз куч»га қарши ҳамкорликда курашиш зарурлиги, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кўплаб халқаро муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича томонларнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор намоён этди. Томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Хитой раҳбари Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

ХХР Раиси Олий Мажлис Сенатига ташриф буюриб, парламентимиз юқори палатаси фаолияти билан танишди. Сенат Раиси Илгизар Собиров билан учрашув чоғида олий мартабали меҳмон Сенат фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан батафсил таништирилди.

Шу куни Си Цзиньпин пойтахтимизнинг энг асосий диққатга сазовор жойларидан бири – Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди.

ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# КЎРКАМ УЙЛАР — ОБОД ТУРМУШ ЗИЙНАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу йил массивда 100 та тўрт хонали уй-жойни қуриб, ўз соҳибларига топшириш чоралари кўрилаётир. Айниқса, уй-жойлар қурилишида Баҳром Каримов раҳбарлик қилаётган «Гулистон-бинокор» хусусий фирмасининг қурувчилари жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Баҳром Қозоқбоев, Даврон Қаршибоев, Шодмонқул Умаров, Ғулом Муқиев, Ёрқин Тўраев, Шукрулла Пўлатов, Фарҳод Тошқувватов каби қурувчилар ҳозиргача ўндан ортиқ уй-жой қурилишини туғаллаб, охирги пардозлаш ишларини ҳам бекаму-кўст адо этишмоқда.

— Бу йил фирмамиз қурувчилари Ҳайдар массивида 15 та замонавий турар-жой қуриб беришни ўз зиммаларига олгандилар, — дейди моҳир дурадгор Шукрулла Пўлатов. — Ҳозиргача 10 та тўрт хонали уйни битказиб, эгаларига топшириш учун шай қилиб қўйдик. Яна 5 та уйда бетонни ётқизиш, деворларини тиклаш ишларини бошлаб юбордик. Барча қурилиш материаллари — темир-бетон, цемент, ғишт, черепица, ҳатто эшик-деразаларнинг ҳам вилоятнинг ўзидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётганлиги иш суръатини ошириш билан бирга, маҳсулот таннархи анча арзонлашишини ҳам таъмин этаётир.



Гулистон туманининг Зарбдор массивида 90 та турар-жой барпо этиш учун қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Уй-жой қурилишида Содиқжон Яҳёев раҳбарлик қилаётган «Мирзачўл қурилиш транс» хусусий фирмаси бунёдкорларининг иши ҳар жиҳатдан ибратлидир. 25 нафар малакали қурувчидан иборат жамоа шу йилнинг ўзида Боёвут тумани Бўстон маҳалласидаги 25-умумтаълим мактаби биносини капитал таъмирлаш, Оқолтин тумани Бобур массивида 11 та турар-жой қурилиши билан бирга, ушбу массивда 10 та 4 хонали уй-жой қурилишини жадал суръатда давом эттиришмоқда. Хусусий фирманинг Улуғбек Ўталов, Фозил Яҳёев, Мурод Жабборов, Қурбонбой Абдурасулов каби қурувчилари айни вақтда уй-жойларнинг томини ёпиш, эшик-ромларни ўрнатиш, биноларни пардозлаб, бўяш ишларини поёнига етказмоқдалар.

Олти сотихли майдонда барпо этилиб, эгаларига топширлаётган замонавий, кўркам уй-жойларда ҳамма нарса бисёр. Хоналар кенг ва ёруғ, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган. Боз устига, Ҳайдар массивида уй-жойлар ҳовлисида енгил автомашина учун алоҳида гараж ҳам қуриб берилаётир.

— Замонавий, шинам уйларда яшаш учун барча шароит бор, — дейди Мирзаобод массивида яшовчи Акмал Примқулов. — Массивнинг ўзида алоҳида мактаб, ҚВП, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, болалар спорт майдончалари, гузар барпо этилган. Эндиликда нон ва макарон ишлаб чиқариш цехлари қуриляпти. Бу ердаги шароит асло шаҳардагидан қолишмайди.

— Намунавий лойиҳадаги уй-жойлар учун зарур қурилиш материалларини вилоятнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича изчил чоралар кўрилганлиги ҳам шу йилнинг ўзида белгиланган 430 та уй-жойни вақтида қуриб, эгаларига топшириш имконини беради, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси вилоят филиали бош муҳандиси Турдиали Тўрақулов. — Ҳозирда Боёвут туманида 2 та, Сайхунобод ва Гулистон туманларида 1 тадан ғишт заводлари, Гулистон шаҳрида бетон-плита, черепица, эшик-ром тайёрлайдиган корхоналар ишлаб турибди. Ана шулар ҳисобига уй-жой қурилишига талаб этиладиган қурилиш маҳсулотларининг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилмоқда. Яратилаётган бу қулайликлар эса уй-жой қурилиши суръатини янада оширади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Берлинда мамлакатимиз иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мультимедия тақдимоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатия миссияси томонидан Берлин-Бранденбург минтақаси Иқтисодий консуллар бирлашмаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.**

Тадбирда Берлинда аккредитациядан ўтган элчихоналар ходимлари, иқтисодий, илмий ва академик доира вакиллари ҳамда Германия матбуоти вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг изчил ўсиш суръатлари, саноат корхоналарини технологик модернизациялаш, ижтимоий ва инфратузилмавий ривожланишга қаратилган давлат дастурлари, мамлакатда қулай сармоявий муҳитни яратиш ва ишбилармонлик салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Улар, шунингдек, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг амалга ошириш жараёнлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбир чоғида "Навоий" эркин иқтисодий-индустриал ҳудуди, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал ҳудудларининг сармоявий салоҳиятига, хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган имтиёз ва қулайликларга алоҳида урғу берилди.

**Берлин-Бранденбург ҳудуди Иқтисодий консуллар бирлашмаси президенти Инго Беетц** ҳамда тадбирда қатнашган бошқа иштирокчилар саноат корхоналарини технологик қайта жиҳозлаш бўйича немис-ўзбек қўшма лойиҳаларининг мувафаққиятли амалга оширилаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Улар Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиётига ижобий баҳо берганлари баробарида германиялик тадбиркорларни улкан иқтисодий ва кадрлар салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон билан шерикчилик алоқаларини янада кенгайтиришга чақирдилар.

— Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида бўлиб ўтган ушбу тақдимот бизлар учун зарур бўлган маълумотларга жуда бой бўлди, — деди **"Hydro Energie Roth GmbH" компаниясининг вакили Кристиан Карних.** — Биз Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган қизиқарли маърузаларни катта қизиқиш билан тингладик. Ўзбекистон эришган иқтисодий кўрсаткичлар нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ҳажми 8 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этди. Бу сингари омиллар Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида бўлган немис компаниялари вакиллари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

**"Жаҳон" АА**

*Берлин*

# АМАЛИЁТДА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН БИЛИМ

(Боши 1-саҳифада)

– Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, данаксиз анор ўзимизнинг "оқ дона", "қай анор", "қозоқи анор", "туя тиш " навлари билан биргаликда ўстирилганда, унинг ўсиш ва ривожланиш жараёни 18 фоиз юқори бўлди. Сувсизликка, шўрга ҳамда зараркунандаларга чидамли ушбу нав эртапишарлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Биламизки, ўзимизнинг одатдаги маҳаллий анор навлари қишнинг қаттиқ қировли кунларига чидамсиз. 10–15 градусдан ортиқ совуқ ҳароратда ўсимликни совуқ уриб, қуриб қолади. Алишернинг таъкидлашича, данаксиз анор эса 25 градусли совуқларга ҳам бемалол чидаши мумкин, қачонки, ёш ниҳолни икки йилгача изғиринли совуқларга мослаштира олсак. Бунинг учун анор новдалари ва шохлари биринчи йили кузда похол, хас-хашаклар билан ўраб қўйилади. Иккинчи йили ўсимликнинг фақат туб қисми, яъни илдиз атрофи ўралади. Қарабсизки, ўсимлик учинчи йилдан бошлаб совуққа бардошли бўлади.

Данаксиз анор 3 йилда ҳосилга киради. Асосан қаламчасидан кўпайтирилади. Қаламча тайёрлаш учун новда 10-15 см. қилиб кесилади. Унинг туб қисми гетерооуксин эритмасида 12 соат ботириб олинади. Ушбу модда эса қаламчанинг нозик илдизчалар отишини тезлаштиради.

Ҳеч пахта дарахтини кўрганмисиз?! Ботаника боғида бўлсангиз, буни ўз кўзингиз билан кўришингиз мумкин: баланд дарахтларда пахталар қийғос очилган. Қизиғи, айрим ғўза чаноқлари оддий қоғоз билан ўраб қўйилган.

– Ажабланаётганингиз табиий, – дейди кулимсираб биология фанлари доктори Марина Санамиян. – Чунки кўзимиз маданий ҳолда ўстириладиган ғўзаларга ўрганиб қолган. Аслида ғўза кўп йиллик бута ҳисобланади. Кўриб турганингиз 40 ва ундан ортиқ йиллар давомида асл ҳолида сақланиб келинаётган пахта дарахтларидир. Савол туғилиши табиий. Бу нима учун керак? Тажриба бизга ғўза хромосомаларини ва у билан боғлиқ ўзгаришларни аниқлашда ёрдам беради. Ҳозирда бу ерда унинг 100 га яқин намуналари ўрганилади.

Мутахассислар яхши билишади, ғўза ўсимлигида ҳам оталик, ҳам оналик гуллари бўлганлиги учун ғўза ўз-ўзидан чангланиши билан баробарида четдан чангланишга ҳам мойил бўлади. Бу ҳолда пахтанинг сифат белгилари ўзгариб кетиши мумкин. Шу боис, ажратилган линияларни соф, тоза ҳолатда сақлаб қолиш учун уларнинг очилай деб турган гулларига махсус қоғоз қалпоқчалар кийдирилиб, алоҳида қилиб қўйилади. Очилгач, йиғиб олиниб, сўнг лабораторияларда ўрганилади.

Ўрни келганида айтиш жоизки, Ўзбекистонда дастлаб очилган ғўза генетикаси лабораторияси ҳам Ботаника ўқув-илмий тажриба майдонида жойлашган. Ўтган салкам ярим асрлик вақт мобайнида бу ерда айтишга арзирлик тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Жўра Мусаев шогирдлари билан биргаликда дунё миқёсида биринчи бўлиб Goossypum hirsutum турига мансуб ғўзанинг генетик коллекциясини яратди. Шунингдек, чигит устидаги тукланишнинг ирсийланиш қонуниятларини, тола чиқишини генетик бошқариш ҳақидаги илмий назарияни ишлаб чиқди.



Ёш тадқиқотчилар ғўзанинг сифатли, серҳосил ва сув танқислигига чидамли навларини яратиш йўлида изланишмоқда.

– Бугунги кунда олимлар олдига юртимиз иқлим шароитига мос, серҳосил, узун толали ва энг муҳими, сув танқислигига чидамли ғўза навларини яратиш масаласи қўйилмоқда, – дейди университетнинг ғўза генетикаси ва ген коллекцияси лабораторияси катта илмий ходими Шариф Тўрабеков. – Шу билан бирга бу навлар ўзида хўжалик хусусиятларини сақлаб қолиши зарур. Айни пайтда бевосита давлат гранти бўйича 8 линия ва 3 та ғўза навларида тажрибалар олиб борилмоқда. Бунда асосан ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилиги ўрганилмоқда. Тажрибалар жараёнида талабалар ҳам бевосита иштирок этмоқда.

Ушбу тажриба хўжалигидан университетнинг барча талабалари бирдек фойдаланишига имконият яратилган. Шу мақсадда факультетларга алоҳида-алоҳида майдонлар ажратилган. Бу эса талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмак бўлмоқда.



Интенсив боғнинг тотли мевалари.

Масалан, иқтисод факультети талабаларини олиб кўринг. Улар гулчилик билан машғул. Бу ердаги 3 сотихли иссиқхонада етиштирилаётган ажойиб гулларни кўриб тасаннолар айтасиз. Кўчатхонада атиргулнинг "дойчивит", "бургун", хуллас, бозор суядиган энг сара навлари бор. Бўлажак иқтисодчилар ҳисоб-китоб қилиб чиқишибди. Ушбу соҳа катта даромад манбаи. Буни исботлаш учун эса улар университет ҳудудида гул савдосини йўлга қўймоқчи...

Ёш кимёгарлар ўзларига ажратилган тажриба синов майдонида минерал ўғитларнинг тупроққа таъсирини ўрганиш билан бирга, картошканинг янги навларини яратиш устида ишлашмоқда. Шунингдек, яратилган янгиликларни амалиётга татбиқ этиш учун Жиззах ва Тошкент вилоятларидан 100 гектардан ортиқ ер майдони ажратилган. Суғориш ишлари эса томчилатиш усулида олиб борилади.

Университетнинг Ботаника ўқув-илмий тажриба майдонида амалга оширилган кенг кўламдаги ишларни кўриб, шунга яна бир бор амин бўлдикки, илм амалиёт билан мустаҳкам бўлади.

**Соҳиба СОЛИЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

Хоразм вилояти

# УРГАНЧДА «ЁШЛАР КЎЛИ» ОЧИЛДИ

*Урганч шаҳрида янги барпо этилган "Ёшлар кўли" дам олиш масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди*


Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш, Урганч шаҳрини ободонлаштириш ва сув таъминотини яхшилаш, вилоятда сайёҳлик соҳасини тараққий эттиришга қаратилган қарорлари асосида воҳада улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят марказида "Ёшлар кўли" дам олиш масканининг барпо этилиши ана шундай эзгу ишларнинг яна бир амалдаги намоёнидир.

Тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган уч юздан ортиқ фаол ва иқтидорли ёшлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари иштирок этди.

"Ёшлар кўли" дам олиш масканининг умумий майдони 15,5 гектар бўлиб, аҳоли, айниқса, ёшлар, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар дам олиши учун мўлжалланган маданий-меъморий мажмуа ҳисобланади.

– Ушбу маскан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамида вилоятимиз ёшларига ажойиб совға бўлди, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов. – Мазкур маскан фақат сув ҳавзасидан иборат бўлмай, айни пайтда ўзига хос "очиқ осмон остидаги музей"ни ифода этади. Махсус меъморий лойиҳа асосида бу ерда Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимиздаги тарихий обидалар – Регистон майдони, Минораи Калон, Калта Минор ва бошқа ёдгорликларнинг макетлари ўрнатилган. Шу тариқа бу ерга келганлар гўзал ва бетакрор табиат манзарасидан баҳраманд бўлишдан ташқари, бой қадимий тарихимиз билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Бу ёшлар маънавиятини бойитиш, уларда бой тарихимиз, азалий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Ёшлар кўли" дам олиш масканида замонавий аттракционлар, оталар чойхонаси, иккита кема-кафе, шахмат клуби ва бошқа объектлар бор.

Мажмуа қисқа вақт ичида барпо этилиб, умумий қиймати 12 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш ва монтаж ишлари бажарилди. Бу жараёнда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам фаол қатнашди.

"Ёшлар кўли" дам олиш масканининг очилиш маросимида кўл ҳудудида ёшлар сайли ўтказилди. Сайил давомида ташкил қилинган миллий ва спорт ўйинлари, ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, миллий ҳунармандчилик буюмлари, ёш мусаввирлар асарларининг кўргазмалари, кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таниқли хонандалар иштирокидаги гала-концерт сайил иштирокчиларига ўзгача кайфият бағишлади

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов сўзга чиқди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# "КАСАБА-ТУР" ВЕЛОМАРАФОНИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Нукусда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Касаба-тур" веломарафони ўтказилди.

Мусобақада корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларидан 300 нафардан зиёд ҳаваскор велоспортчилар иштирок этди. Мусобақада 25-35, 35-45 ва ундан катта ёшдагилар алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда 5 ва 10 километр масофага беллашдилар.

Мусобақа якунида 25-35 ёшдаги хотин-қизлар ўртасида Кегайли туманидаги 2-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Қарлигаш Бегжанова, эркаклар ўртасида Қорақалпоғистон Гидрогеология экспедицияси ходими Абдиқодир Латипов, 35-45 ёшдаги хотин-қизлар ўртасида Нукус туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Олмахон Турсинбоева, эркаклар ўртасида Нукус спорт коллежининг ходими Қуаниш Худойбергановлар ғолиб бўлди. Шунингдек, "Энг ёши катта иштирокчи", "Энг ёш иштирокчи", "Энг фаол иштирокчи", "Энг моҳир иштирокчи" номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

"Касаба-тур" веломарафонининг ғолиблари ва фаол иштирокчиларига Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

* * *

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Термиз шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги шарафига "Касаба-тур" веломарафони ўтказилди. Унда 300 нафарга яқин 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркак ва аёл ҳаваскор велоспортчилар иштирок этишди.

Марафонда 25 дан 35, 35 дан 45 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида 1-ўрин Анвар Жумаев ва Комил Менглиевга, аёллар ўртасида эса Елина Мелемуродовага берилди. Шунингдек, тадбирда "Энг кекса пойгачи", "Энг фаол пойгачи", "Энг маҳоратли пойгачи", "Энг ёш пойгачи" ва "Ғалабага бўлган иштиёқи учун" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Веломарафон ғолиблари ва иштирокчилари вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг эсдалик совғалари ҳамда дипломлари билан тақдирландилар.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**


○ Реклама ва эълонлар

УВАЖАЕМЫЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ!

ASAKA BANK

**Банк «Асака» (ОАО)**

сообщает, что принимаются кредитные заявки субъектов предпринимательства на финансирование инвестиционных проектов с участием кредитных линий **«Export Import Bank of Korea» (Корея)** и **«Commerzbank AG» (Германия).**

Основные условия получения кредитных средств:

| | |
|---|---|
| **Проекты** | Экспортоориентированный проект, направленный на создание нового производства в сфере промышленности или сельского хозяйства, расширение и/или реконструкция существующего |
| **Заемщик** | ***По кредитной линии «Export Import Bank of Korea» (Корея)***<br>Компании с участием корейского капитала, осуществляющие деятельность в СИЭЗ «Навои»;<br>Компании без участия корейского капитала, которые продают товары и оказывают услуги компаниям с участием корейского капитала или покупают товары и получают услуги компаний с участием корейского капитала, осуществляющих свою деятельность в СИЭЗ «Навои»<br>***По кредитной линии «Commerzbank AG» (Германия)***<br>Резидент Узбекистана – частное малое или среднее предприятие, совместные предприятия, акционерные общества |
| **Целевое использование кредитов** | ***По кредитной линии «Export Import Bank of Korea» (Корея)***<br>Для компаний с участием корейского капитала:<br>- покупка и установка оборудования;<br>- стратегические инвестиции.<br>Для компаний без участия корейского капитала:<br>- продажа оборудования и оказание услуг;<br>- покупка оборудования и получение услуг.<br>***По кредитной линии «Commerzbank AG» (Германия)***<br>Финансирование закупок импортного оборудования и технологий, а также покрытие затрат на формирование рабочего капитала |

**Телефоны для справок:** (8-371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.

**БАНК «АСАКА» – ПРОЧНАЯ ОСНОВА РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА!**

*Услуги лицензированы*

○ Реклама ва эълонлар

**«TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига 1. "TEXNOLOGMASH" ШК томонидан Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 284-уй мазилидаги давлат рақами 01/159 WBA бўлган, 1990 йилда и.ч, 898 917 сўм бошланғич нархдаги РАФ 220301 русумли, давлат рақами 01/160 WBA бўлган, 1990 йилда и.ч, 2 240 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 5201 русумли, давлат рақами 01/158 WBA бўлган, 1993 йилда и.ч, 1 560 750 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 310290 русумли, давлат рақами 01/2369АА бўлган, 1990 йилда и.ч, 2 747 496 сўм бошланғич нархдаги ОДАЗ 9357 русумли, давлат рақами 01/161 WBA бўлган, 1984 йилда и.ч, 7 987 500 сўм бошланғич нархдаги КАМАЗ 5410 русумли ва 2. "O`ZBEKISTON SHAMPANI" ОАЖнинг Тошкент шаҳар С.Машҳадий кўчаси, 186-уй манзилидаги давлат рақами 01 228 QCA бўлган 1992 йилда и.ч., 16 535 260 сўм бошланғич нархдаги КАМАЗ 5320 русумли, давлат рақами 01 229 QCA бўлган 1989 йилда и.ч., 15 611 502 сўм бошланғич нархдаги КАМАЗ 55102 русумли, давлат рақами 01 525 CCA бўлган 1999 йилда и.ч., 19 018 276 сўм бошланғич нархдаги "НЕКСИЯ" русумли, давлат рақами 01 767 LBA бўлган 1997 йилда и.ч., 17 853 706 сўм бошланғич нархдаги "НЕКСИЯ" русумли, давлат рақами 01 797 DCA бўлган 1996 йилда и.ч., 17 21 093 сўм бошланғич нархдаги "НЕКСИЯ" русумли, давлат рақами 01 515 CCA бўлган 2007 йилда и.ч., 26 885 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 3102-581 русумли автомототранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Мирobod тумани Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да, ушбу савдода сотилмаган мулкларни такрорий аукцион савдоси 2013 йил 21 ва 28 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон килинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилашидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

**Манзил:** Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37.

***Гувоҳнома № 005424***

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ**

- Тракторлар, турли серияда 60 дан – 600 от кучигача.
- Комбайнлар
- Пресс-подборщиклар
- Омочлар
- Пуркагичлар
- Косилкалар
- Бороналар
- Культиваторлар
- Минерал ўғит сочадиган мосламалар



Ўзбекистон Республикаси бўйича сервис хизмати кўрсатилади. Кафолат муддати 1 йил.

JOHN DEERE

Тел.: (998 71) 241-02-29, (998 90) 326-81-11
Сайт: www.agtech-agri.uz e-mail: info@agtec.eu
Хизматлар лицензияланган.

**ООО "NIHOL MUSLIM BIZNES" ПРЕДОСТАВЛЯЕТ:**

- строительные, ремонтные и монтажные услуги;
- строительство домов;
- оптовая торговля по перечислению строительными материалами:

+99894 680-57-60, +99894 918-91-74.

*Услуги лицензированы.*

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (23.07.2010 й., реестр № 003878-01) рўйхатдан ўтган "BARAKA KAPITAL" МЧЖ (ИНН 301270574) мулкчилик шакли Хусусий корхона ўзгаришини ва устав фонди 117 757 500 сўмдан 86 580 558 сўмга камайишини маълум қилади.

ЧП "SILVER BROK BUZINES" (ИНН 300694062) зарегистрированное ИРСП Учтепинского р-на (24.01.2008 г., реестр № 001987-01) расположенное по адресу: г. Ташкент, м-в Гулистон, 99, ликвидируется (решение учредителя №1 от 02.09.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по тел: 311-67-67.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2012 й.да Холиқов Ойбек Илхом ўғли номига берилган 32122-12 рақамли зачёт дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную гувохному серии ТА № 1783988 (3100-81) от 03.04.2013 г. от плана на офис по адресу: г. Ташкент, Учтепинский р-н, Чиланзар 12-7А-15 выданную ГУРЗОиК г. Ташкента на имя Хамраевой Нигоры Норкуловны считать недействительной.



Махсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

АГРОМАШ

**ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»**

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

**АГРОТЕХНИКА**

- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Прессподборщик
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка ўрадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Пахта экадиган сеялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (29.04.2013 й., реестр № 0113128) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Тургунов Жавлон Рустамовичга (ИНН 447274177) тегишли МКМ Меркурий 115 Ф 321560 рақамли 2002 й.да ишлаб чиқарилган касса аппарати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MA`RIFAT BO`STONI" МЧЖ (СТИР 301511154) (26.08.2013 й.даги) баённомасига асосан тугатилаётганини маълум қилади. Эътирозлар 2 ой давомида қабул қилинади.

,ООО "IMPULS GRAND MAX" сообщает об уменьшении уставного фонда с 175 813 225 сум до 118 236 250 сум. Тел.: 134-35-35.

ООО "SWEETLIGHT FOOD" (ИНН 302355023), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (30.08.2012 г., № 008098-08), расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Лутфий д. 6, ликвидируется (решение учредителей № 2 от 20.08.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня опубликования данного объявления.

Тошкент вил. Зангиота т. Ер ресурслари ва Давлат Кадастри томонидан "MILK AGRO" МЧЖга 30.08.2006 й.да берилган бино иншоотларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи Гувоҳнома ТА № 0215834 йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Маълумот учун тел.: +99898 321-19-61.



**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** С.САЙДИСЛОМОВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 00.45 15633 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5